

ЦИТОМЕГАЛОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БОР ОНАЛАРДАН ТУГИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА СИЙДИК АЖРАТИШ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЎРГАНИШ

Хазраткулова Машхура Исматовна, Дилмурадова Клара Равшановна

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ИЗУЧЕНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ МОЧЕВЫДЕЛИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА, РОЖДЕННЫХ ОТ МАТЕРЕЙ С ЦИТОМЕГАЛОВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИЕЙ

Хазраткулова Машхура Исматовна, Дилмурадова Клара Равшановна

Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

STUDY OF CHANGES IN THE URINARY SYSTEM IN INFANT CHILDREN BORN TO MOTHERS WITH CYTOMEGALOVIRUS INFECTION

Khazratkulova Mashkhura Ismatovna, Dilmuradova Klara Ravshanovna

Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: mashhuraxazratkulova@gmail.com

vmofoeonatologiya.km@mail.ru

Резюме. Ҳомиладорлик ва тугиши пайтида бўйрак шикастланишининг сабабларидан бири бу бачадон ичи инфекциялар бўлиб, улар орасида цитомегаловирус инфекцияси етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Самарқанд вилоят перинатал маркази ва 1-сон түгруқ мажмуасида 2022-2023-йилларда тугилган 50 нафар бола кузатилган бўлиб, шундан: 30 нафари цитомегаловирусли, 20 нафари ЦМВИ инфекцияси бўлмаган соглом оналардан тугилган. Сўров натижаларига кўра, сийдик ва қон зардобида нейтрофил желатиназа билан боғлиқ бўлган липокалин-2 биомаркерининг кўпайиши бола ҳаётининг кейинги даврларида сийдик йўлларининг яллигланишини ривожланиши хавфни ошириши аниқланди.

Калим сўзлар: цитомегаловирус инфекцияси, нейтрофил желатиназа билан боғлиқ липокалин-2, янги тугилган чақалоқлар, бўйраклар.

Abstract. One of the causes of kidney damage that occurs during pregnancy and childbirth is fetal infections, among which cytomegalovirus infection takes one of the leading places. 50 babies born in 2022-2023 were observed in the Samarkand Regional Perinatal Center and maternity complex No. 1, 30 of them were born to mothers with cytomegalovirus infection, and 20 were compared with healthy babies born to mothers with no SMVI infection was studied. From the results of the examination, it was found that the increase of the Neutrophil gelatinase-associated lipocalin-2 biomarker in urine and blood serum can increase the risk of urinary tract inflammation in the later periods of the baby's life.

Key words: Cytomegalovirus infection, Neutrophil gelatinase-binding lipocalin-2, babies, kidneys.

Текширишнинг долбзарблиги: Эрта ёшда намоён бўладиган бир қатор бўйрак касалликлари анте- ва перинатал даврларда келиб чиқади. Туғрук жараёнида юзага келадиган бўйрак заарланишининг сабабларидан бири бу ҳомила ичи инфекциялари бўлиб, улар орасида цитомегаловирус инфекцияси (ЦМВИ) етакчи ўринлардан бирини эгаллади [13]. Цитомегаловирус инфекцияси эса ҳомила ичи инфекциялар орасида биринчи ўринда туриб, турли хил нуксонларнинг шаклланишида асосий сабабчилардан бири ҳисобланади [12,16] ЦМВИ-нинг хусуятларидан бири хужайра ичидаги паразитлик қилиш ва даврий қайта фаолланиши, ривожланиши билан инсон организмидаги узоқ вақт қолиш қобилиятига эгадир. Цитомегаловирус (ЦМВ)-герпес вируслар оиласига кириб, унинг 5 вакили ҳисобланади (Human Herpes вируси - 5) ва полиморф клиник белгилар ва ўзининг ўзгарувчанлиги билан тавсифланган чақалоқ касалликларнинг кўзгатувчисидир [7,15,18]. Касалликнинг клиник кўринишларининг хилма-

хиллиги ЦМВИ ҳомиладорликнинг исталган босқичида ҳомилани юқтириш қобилияти билан белгиланади. Ҳомиладорликнинг дастлабки даврида ҳомила инфекцияланганида марказий асад тизими, юрак-қон томир, бўйрак ва бошқаларнинг турли хил нуксонлари ҳосил бўлади. Ҳомиладорликнинг кечги даврида инфекцияланганида эса янги түғилган чақалоқларда турли аъзолар ва тизимларнинг заарланишлари аниқланади. Туғма ЦМВИ янги түғилган чақалоқларда фаол кечган ҳолатида 40-90 фоизида узоқ муддатли неврологик оқибатлар ва эшитиш қобилиятини юқотиш, шунингдек, кўриш органларининг заарланиши, жигар ва бўйраклар заарланиши кузатилиши ва баъзан ўлим ҳолати билан тугалланиши мумкин[17].

Туғма ЦМВИ бўлган болаларда бўйраклар патологиясини ўрганишда сийдик ажратиш тизимининг нуксонлари шаклланиши мумкинлиги аниқланди. Бўйраклар ривожланишидаги нуксонлар икки баробар, поликистоз, гипоплазия, тақа бўйрак, сийдик йўлларининг тутилиши билан

ифодаланади. Тұғма ЦМВИ интерстициал нефритнинг клиник белгилари, шу жумладан, нефротик синдром, дисметаболик нефропатия, сийдик йүллари инфекциясининг ривожланиши билан бирга кечади [7].

Цитомегаловирус инфекцияда буйрак заарланиши үзини интерстициал нефрит, нұқсонлар шаклида күрсатиши мүмкін, шунингдек күпинча оғир тақрорий иккіламчи пиелонефрит, жуда камдан-кам ҳолларда нефротик синдром билан асоратланади.

Янги туғилган чақалоқларнинг 1-2 фоизигина цитомегаловирусни сийдик билан чиқарып юбориши аниқланди ва бир ёшга келиб уларнинг сони 10-20 фоизгача ошади [4,6,15].

ЦМВИ-да буйрак түкимасининг заарланиши умумий шаклда кечганида юзага келади ёки үзига хос бўлмаган, белгисиз, бошқа касаллик белгилари билан “ниқобланиши” орқали кечади. Буйракларда паталогик нұқсонларнинг мавжудлиги ЦМВИ-нинг эрта тератоген таъсири сийдик ажратиш тизими шаклланишининг бузилиши билан кечади [14]. ЦМВИ-да буйрак заарланиши күпинча гломерулопатия, мембранопролифератив гломерулонефрит (ГН), мембраноз нефропатия, мезангиопролифератив ГН, IgA нефропатия, ТМА ривожланиши билан гломеруланинг ўткир заарланишига олиб келади[11]. Пиелоуретрал сегмент нұқсонлар ривожланишида янги туғилган чақалоқларни ЦМВИ-га текшириш зарур, бу жараён мавжуд бўлгандан, ихтисослаштирилган бўлимда үзига хос даво чораларини ўтказиш ва туғма пиелоэктазия ривожланишининг олдини олиш имконини беради [5]. ЖССТ-нинг Европа миңтақавий бўлими цитомегаловирус инфекциясини юқумли касалликлардан бири сифатида таснифлайди. Ж.Д.Семидотская ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, гломерулонефритнинг сурункали шакллари бўлган беморларда ЦМВИ-нинг IgG антителаси 68% ҳолларда, IgM шакли эса 54% аниқланган. Иммунологик кўрсаткичлар Т-хелперлар даражасининг пасайиши ва Т-суппресорлар даражасининг ошиши, шунингдек, комплемент тизимининг фаоллашиши ва фагоцитар фаолликнинг баъзи кўрсаткичлари билан тавсифланади [8]. Ўткир буйрак етишмовчилиги(ЎБЕ) -ни эрта ташхислаш учун энг ишончли биомаркерлар ГН-ни акс эттирмайди, аммо буйрак паренхимасининг ўткир заарланиши, ҳужайралар пролиферацияси, дифференциацияси, апоптози, иммунитетнинг бузилиши ва цитокинлар ва химокинлар ишлаб чиқарилиши ўткир буйрак етишмовчилиги аниқлаб бериши мумкин[11].

Юқори сезувчанлик натижаларига ва үзига хосликка эга бўлган янги юқори натижаларни берадиган ЎБЕ биомаркерларига плазма панели

(NGAL ва цистатин С) ва сийдик панели (NGAL, ИЛ-18, КИМ-И, Л-ФАБП) киради. НГАЛ (нейтрофил желатиназа билан боғланган липокалин/липокалин-2) энг кўп ўрганилган биомаркер ҳисобланади[11].

Сўнгги йилларда буйракнинг ўткир заарланишида креатинин концентрацияси ошиш даражасидан 1-2 кун олдин кўпаядиган ва буйрак заарланишининг оғирлиги ва ўткир заарланиш оғирлигини акс эттирувчи белги биомаркери (липокалин-2, NGAL - нейтрофил желатиназа билан боғланган) топилди. Молекуляр оғирлиги 25 қДа бўлган NGAL оксили эпителий ҳужайралари, шу жумладан проксимал каналчалар томонидан синтезланади. Заарланиш даражасига қараб, липокалин-2 ҳам ҳужайранинг омон қолиш омили, ҳам проапоптотик омил бўлиши мумкин. Агар липокалин-2 яъни NGAL синтези кучайса, сийдик ва плазмада унинг миқдор даражаси ўзаро боғлиқ равишда ошади[10].

Сўнгги йилларда бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдиги, NGAL даражаси буйрак заарланишидан 2-6 соат ўтгач ортади, креатинин даражаси эса 24-72 соатдан кейин ортади, шунинг учун фавқулодда вазиятларда ЎБЕ ни эрта ташхислаш учун NGAL биомаркери орқали аниқлаш тавсия этилади[3,10,11].

Цистатин С сурункали буйрак касаллиги (СБК) ва кейинчалик юрак-қон томир асоратлари ривожланиши хавфи юқори бўлган беморларни аниқлайди ва нормал креатинин даражасига эга бўлган шахслар орасида NGAL ЎБЕ эрта ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларда аниқланади[1].

Умуман олганда, s- NGAL (қон плазмасида аниқланади) ва u- NGAL сийдикда аниқланади) ҳар қандай этиологияли ЎБЕ ривожланишининг дастлабки белгиларини аниқлаб беради. Қон зардобида s- NGAL (s-зардоб) даражаси кўтарилади ва кўтарилиган NGAL даражаси буйракларга етиб боради ва проксимал каналчаларда қайта сўрилади. Бу аниқ ва қайта-қайта кўрсатилган: буйрак каналчалари заарлланганда, s- NGAL даражаси 7-15 марта, u- NGAL 25-1000 марта ошади! s- NGAL ва u- NGAL ни аниқлаш ҳар томонлама ЎБЕ ривожланиши ҳакида жуда қимматли, аниқ маълумотларни беради [19]. Туғма ЦМВИ бўлган янги туғилган чақалоқлар күпинча турли даражадаги асфиксия билан туғилади. Янги туғилган чақалоқларда буйраклар заарланишининг ривожланишида туғрук пайтида асфиксиянинг роли адабиётларда кенг ёритилган: буйраклар полиорган заарланиши тузилишида иккинчи ўринда туради. Ҳозиргача янги туғилган чақалоқларда буйрак патологиясини ривожланишида

инфекциясининг роли яхши ўрганилмаган. Юқоридагиларга асосланиб, ҳозирги кунга қадар ЦМВИ -ни аниклаш мұаммоси, шунингдек унинг янги туғилған чақалоқларда буйракларининг клиник ва лаборатория күрсатгичларига таъсири әнг долзарб ва кам ўрганилған масалалардан биридири [1,10].

Сийдик ва қонда NGAL биомаркерининг пайдо бўлиб ошиши, буйрак каналчаларининг фаол заарланишини акс эттириши, гломеруляр фільтрация тезлигининг пасайишини тахмин қилиш ва шу билан биргаликда касалликнинг ривожланишини олдиндан белгилаши мумкин. Қон ва сийдикдаги NGAL даражаси болаларда ҳам, катталарда ҳам турли хил этиологияларнинг ўткир буйрак заарланиши даражасининг прогностик аҳамиятга эга биомаркер эканлиги аникланган[2].

NGAL (нейтрофил желатиназа билан боғланган липокалин) тананинг барча ҳужайраларида ҳосил бўлган оқсил бўлиб, ҳужайралар "стрессли" шароитга тушганда унинг синтези кучаяди. NGAL- нинг биологик аҳамияти темир ионларини боғлаш ва заарланган соҳадаги микроорганизмларнинг кўпайишини тухтатишдан иборат, апоптоз жараёнларини сусайтиради ва ҳужайраларнинг пролифератив ва репаратив реакциясини рағбатлантиришидир. Қон плазмасидан NGAL буйраклар гломерулаларида эркин фільтрланади, сўнгра у асосан проксимал каналча ҳужайралари томонидан эндоцитоз орқали қайта сўрилади ва парчаланади. Шунинг билан плазма NGAL- нинг сийдик билан чиқарилиши факат буйракларнинг проксимал каналчалари заарланганда содир бўлиши мумкин, бу липокалин реабсорбсиясининг пасайишига ва әнг муҳими, каналчаларнинг ҳужайраларида NGAL синтезининг кучайишига олиб келади. Бундан ташқари, NGAL мРНК ифодаси ЎБЕ-да нефроннинг дистал қисмларида: Генле ҳалқасининг кўтарилиган шохчасида ва йиғувчи каналларда, шунингдек, алоҳида органларда топилган. Буйрак ҳужайраларидаги NGAL гени органнинг ўткир заарланиши, ишемик ёки токсик заарланишидан кўп ўтмай фаоллашганидан биридири. Сийдик ва қон зардобидаги NGAL даражаси қон креатинин даражаси ва ўткир буйрак этишмовчилиги бўлган беморларда буйрак тузилмаларидаги ўзгаришларнинг гистологик таҳлили ма'lумотлари билан боғлик. Шундай қилиб, NGAL преренал ЎБЕ кузатилган беморлар сийдигида, ЎБЕ кузатилмаган каналчаларнинг структуравий заарланишининг гистологик белгилари йўклигига қарамасдан, сезиларли даражада юқори. Оғир ЎБЕ диффуз буйрак найчалари заарланиши (некроз) билан боғлик ва дистал найча заарланиши белгиларининг

маълумотлари бўлиши мумкин. Қон плазмасидаги NGAL даражаси миқдорининг ошиши сурункали буйрак касалликлари, артериал гипертензия, тизимли инфекциялар, яллиғланиш ва онкологик касалликлар каби турли хил бирга келадиган жараёнлар қон плазмасидаги NGAL даражасига таъсири қилиши, тестнинг ўзига хослигини пасайтириши мумкин [9]. ЦМВИ бўлган оналардан туғилған чақалоқларда аникланган клиник диагностик ҳамда структуравий буйрак заарланиши ва буйрак патологиялари ва бошқа тизимларнинг ривожланиш хавфини баҳолашда маркер бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўткир буйрак заарланишини ташхислаш ва кейинги буйрак ҳолатларини тахмин қилиш усусларини такомиллаштириша янги биомаркерлар буйракларнинг ўткир заарланишининг дастлабки босқичи билан боғлик бўлган буйракларнинг фільтрация функциясидан мустакил бўлган янги биомаркерларни аниклаш ва ўрганиш билан боғлик. Бир қатор тадқиқотлар натижасида олинган натижалар таҳлил қилинганда, бу bemорларда ўткир буйрак заарланиши ва буйрак найчаларининг заарланиш хавфини тахмин қилиш учун биомаркер сифатида NGAL биомаркерини аниклаш сезиларли самарадор эканлигини кўрсатди[9].

Ишнинг мақсади: Цитомегаловирус инфекцияси бор оналардан туғилған чақалоқларда сийдик ажратиш тизимидағи ўзгаришларни ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуслари: Текшириш обьектимиз Самарқанд шаҳридаги вилоят Перинатал марказида ҳамда 1-сон туғруқ мажмусида 2022-2023 йилларда туғилған 50 нафар муддатида туғилған чақалоқлар бўлиб, уларни анамнези, лаборатор таҳлиллари ва инструментал текширувлари шунингдек бир ёшгача катамнез кузатуви ўтказилди. Чакалоқлар икки гурухга асосий ва соғлом гурухларга бўлиб ўрганилди. Асосий гурухга онасида ЦМВИ аникланган, оналардан туғилған 30 нафар чақалоқлар кузатуви ва текширилаётган чақалоқларни таққослаш мақсадида онасида ЦМВИ аникланмаган оналардан туғилған соғлом чақалоқлар соғлом гурух сифатида олиниб, бу гурухни 20 нафар чақалоқлар ташкил этди. Чакалоқларнинг тана вазни 2560 граммдан 4200грамм вазнгача ташкил қиласи. Улардан 37(74%) нафари ўғил болалар, 13(26%) нафари эса қиз болалардир. Чакалоқларининг анамнези, клиникаси ва лаборатор инструментал текшируви натижаси, шунинг билан чақалоқ оналарининг ҳаёт анамнези ва ЦМВИ-га ИФА ва ПЗР қон таҳлили эътиборга олинди. ЦМВИ-си чақалоқлар буйрагини заарланиш таъсири адабиётларда тўлиқ ўрганилмагани боис асосий гурух

чақалоқлар, соғлом чақалоқлар гурухи билан таққосланиб ўрганилди.

Кузатилган чақалоқлар таҳлиллари “СМАРТ ДОКТОР” хусусий клиникасида чақалоқларнинг лаборатор таҳлилларидан ЦМВИ-ни Иммунофермент анализ текшируви Миндрай MP-96A аппарати орқали, умумий қон таҳлили Миндрай BC-5000 аппаратида, умумий қон биокимёвий таҳлили-Миндрай BC-380 аппарати орқали кузатилди, умумий сийдик таҳлили микроскопик текширилди ва чақалоқ сийдигида “Бойгули кўзи” синамасини Романовский - Гимза буяш усули орқали текширув ўтказилди. Самарқанд давлат тибиёт университети қошидаги Л.М.Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот марказида эса чақалоқ сийдиги ва қон плазмасида буйракларнинг ўткир заарланиш даражаси NGAL биомаркери билан ИФА текшириш усулида Rayto rt2100c microplate reader аппаратида ўрганилди, ПЗР текшириш усули BIOER аппаратида онанинг ва боланинг қон плазмасида ЦМВИ текширилиб, заарланиш даражаси ўрганилди. Инструментал текширув ишлари СамДТУнинг Кўп тармоқли клиникасининг радиологик диагностика бўлимида: УТТ, доплер ва нейросонография текширувлари чақалоқлар бош мияси, ички органларидан асосан юрак, буйраклари текширилиб таҳлил қилинди. Чақалоқлarda текширувлар лаборатор: маҳсус ва умумий текширувлар ва инструментал текширувлар асосида ўтказилди. Умумий текширувларга: умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, умумий қон биокимёвий таҳлили ўтказилган бўлса, маҳсус текширув усуллари: ИФА ва ПЗР текшируви орқали түғруқ вақтида киндик қони олиниб текширилди. Шунингдек ИФА таҳлили орқали буйракнинг ЦМВИ заарланиш даражасини аниқлаш мақсадида түғруқхонада чақалоқлар сийдиги олиниб ва қон

плазмасида НГАЛ биомаркери ИФА текшируви орқали чақалоқлар буйраги заарланиш даражаси аниқланди ҳамда 4-5 кунлари түғруқхона шароитида қайта қон олиниб текширув назорати ўтказилди. Түғруқхонадан сўнг эса назоратга олиниб кузатилган чақалоқларни чақирилиб катамнезда бир ойлигида, 3 ойлигида 6 ойлигида ҳамда 1 ёшида объектив кўрикдан ўтказилиб, ҳаёт анамнези ўрганилди. Кўрикда умумий қон таҳлили ва умумий сийдик таҳлили ўтказилиб борилди. Шунинг билан түғруқхона шароитида ахволи оғир бўлиб, эътиборга молик чақалоқлар ҳамда буйрак сийдик чиқариш тизимида муаммо бўлган чақалоқлар хар ўн беш кун оралиғи билан умумий сийдик таҳлили ўтказилиб борилди.

Натижалар. Асосий гурухга онасида ЦМВИ ИФА ва ПЗР текширувлари орқали ЦМВИ аниқланиб туғилган ($n=30$) чақалоқлар; 2-чи соғлом чақалоқлар гурухи ($n=20$) онасида ЦМВИ аниқланмаган чақалоқларнинг 1 ёшгача кузатув назорати олиб борилди. Асосий гурух оналарнинг ҳомиладорлик даврида ЦМВИ ҳамда турли хил инфекциялар аниқланиб туғилган бўлиб, бу гурух чақалоқларда Апгар шкаласи бўйича соғлом чақалоқлар гурухига қараганда паст баҳоланиб туғилди, мослашиш даврида эмишнинг сустлиги, ташки таъсирларга суст жавоб бериши, нафас бузилиш синдроми хар хил даражада $n=9(30\%)$, сариқлик узоқ вақтгача чўзилиши $n=10(30\%)$ ида кузатилди ва клиникасида биллирубиннинг ошиши узоқ вақтгача даво муолажаларига қарамасдан баланд бўлиши кузатилди. Соғлом гурухда бу клиник кўрсаткичлар учрамади. Лаборатор таҳлиллардан умумий қон таҳлилида асосий гурухда лейкоцитлар ўртача $13,02 \pm 1,12 \times 10^9$ баланд бўлганилиги, гемоглобиннинг ўртача $111,93 \pm 2,84$ г/л пастлиги аниқланди (1жадвал) қоннинг қолган таркибий қисмларида сезиларли патологик ўзгаришлар аниқланмади.

Жадвал 1. Чакалоқларнинг 1-кун киндигидан олинган умумий қон таҳлили ($M \pm m$).

№	Кўрсаткичлар	Асосий чақалоқлар гурухи ($n=30$)	Соғлом чақалоқлар гурухи ($n=20$)	P
1	Лейкоцитлар, 10^9 /л	$13,02 \pm 1,12$	$8,12 \pm 1,12$	$<0,001$
2	Нейтрофиллар, %	$53,83 \pm 3,19$	$50,36 \pm 2,46$	$>0,5$
3	Лимфоцитлар, %	$37,33 \pm 3,7$	$34,1 \pm 3,23$	$>0,5$
4	Моноцитлар, %	$10,28 \pm 1,02$	$9,23 \pm 0,72$	$>0,2$
5	Эозинофиллар, %	$1,15 \pm 0,24$	$1,61 \pm 0,25$	$>0,1$
6	Базофиллар, %	$0,18 \pm 0,03$	$0,11 \pm 0,03$	$>0,1$
7	Гемоглобин, г/л	$111,93 \pm 2,84$	$122,55 \pm 2,74$	$<0,01$
8	Тромбоцитлар, 10^9 /л	$271,7 \pm 18,69$	$221,79 \pm 9,46$	$<0,05$
9	Эритроцитлар чўкиш тезлиги, мм/с	$4,2 \pm 0,61$	$3,08 \pm 0,42$	$>0,1$

Эслатма: P – асосий ва соғлом гурухлар болаларининг ўртасидаги кўрсаткичлар фарқларнинг ишончлилиги

Жадвал 2. Чакалоқлар қон биокимёвий таҳлили кўрсаткичлари ($M \pm m$)

№	Кўрсаткичлар	Асосий чакалоқлар гурухи (n = 30)	Соғлом чакалоқлар гурухи (n=20)	P
1	Азот қолдиги, ммол/л	23,15±2,44	17,85±0,53	<0,05
2	Қондаги мочевина, ммол/л	7,17±1,14	4,14±0,20	<0,05
3	Қондаги креатинин, мкмоль/л	109,67±24,82	46,23±1,83	<0,05
4	Сийдик кислота, ммол/л	271,8±79,02	3,82±0,15	<0,01
5	Ишкорий фосфатаза, бирликлар	263,33±7,33	302,5±0,87	<0,001

Эслатма: Р –асосий ва соғлом гурухлар болаларининг ўртасидаги кўрсаткичлар фарқларнинг ишончлилиги

Жадвал 3. Чакалоқларнинг сийдик таҳлилининг кўрсаткичлари ($M \pm m$).

№	Кўрсаткичлар	Асосий чакалоқлар гурухи (n = 30)	Соғлом чакалоқлар гурух (n =20)	P
1	Лейкоцитлар, кўрув майдонида	14,71±3,93	2,9±0,56	<0,01
2	Оқсиллар, г/л	0,12±0,03	0,01±0,01	<0,001
3	Зичлиги	1,018±0	1,018±0	>0,5
4	Эпителиал хужайралар, кўрув майдонида	5,38±1,32	0,7±0,25	<0,001
5	Эритроцитлар, кўрув майдонида	2,35±0,78	0,45±0,15	<0,05
6	Цилиндрлар кўрув майдонида	0,21±0,10	0,47±0,22	>0,2

Эслатма: Р –асосий ва соғлом гурухлар болаларининг ўртасидаги кўрсаткичлар фарқларнинг ишончлилиги

Жадвал 4. NGAL биомаркерининг қон ва сийдикдаги таҳлил кўрсаткичлари ($M \pm m$).

№	Кўрсаткичлар	Асосий чакалоқлар гурухи (n=30)	Соғлом чакалоқлар гурух (n=20)	P
1	NGAL қонда, нг/л	298,57±28,29	220,57±23,12	<0,05
2	NGAL сийдикда, нг/л	236,67±23,27	86,86±8,46	<0,001

Эслатма: Р –асосий ва соғлом гурухлар болаларининг ўртасидаги кўрсаткичлар фарқларнинг ишончлилиги

Жадвал 5. Янги туғилган чакалоқлар буйраклар ултратовуш текшируви

№	Касалликлар номи	Асосий чакалоқлар гурухи (n=30)	Соғлом чакалоқлар гурух (n=20)
1	Оқ буйрак синдроми	7	1
2	Гидронефроз	3	0
3	Сийдик-тош диатези	2	0
4	Ўзгаришсиз	18	19

Жадвал 6. Назоратдаги чакалоқларнинг бир ёшгача катамнез кузатув натижалари.

№	Чакалоқларнинг 1 ёшгача кузатилган шикоятлари	Асосий гурӯҳ чакалоқлар (n =30)	Соғлом гурӯҳ чакалоқлар (n =20)
1	Асад тизими билан боғлиқ муаммолар	13(43.3%)	1(5%)
2	Нафас йўллари касалликлари	18(60%)	6(30%)
3	Овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммолар	15(50%)	5(25%)
4	Сийдик йўллари касалликлари	8(26.7%)	1(5)
5	Сариқликнинг чўзилиши(14 кундан ошганлиги)	10(33.3%)	2(10%)
6	Ўлим	1(3.3%)	0(0%)

Қоннинг биокимёвий таркиби таҳлил қилингандан қон гурухлари мос келишига қарамасдан мочевина ўртача $7,17 \pm 1,14$ ммоль/л, креатинин $109,67 \pm 24,82$ мкмоль/л ва азот қолдиғи асосий гурухда статистик ишончлигига эга бўлиб ошганлиги аниқланди (2-жадвал).

Умумий сийдик таҳлили туғруқхонада йиғиб олинган сийдик ҳисобланиб, унда эса асосий гурухда лейкоцитлар $14,71 \pm 3,93$ к/м³, оқсиллар, эпителийларнинг қисман эрироцитларнинг соғлом гурухига нисбатан баландлиги аниқланди, бу эса чақалоқ буйрак нефропатиянинг заарланиб яллигланиш белгисидир. II-гурух чақалоқларда эса юкоридаги шу кўрсаткичлар физиологик ҳолат нормаларидан юкори эмаслиги (3-жадвал) аниқланди.

Шунинг билан туғруқхонадаги олинган қон плазмаси ва сийдик таҳлилларида ўтказилган буйракнинг ўтқир заарланиш белгиси бўлган NGAL биомаркери сийдикда ўртача $236,67 \pm 23,27$ нг/л ташкил этиб, соғлом чақалоқлар гурухига нисбаттан ошганлиги аниқланди (4-жадвал). Бу эса перинатал даврнинг ўзида чақалоқлар буйраги заарланганинг исботидир.

Чақалоқлар сийдиги дастлабки кунларда йиғилганида сийдик маҳсус текшириш усули “Бойғули кўзи” синамаси Романовский - Гимза усулида буялганда дастлабки туғруқхона шароитида йиғилган сийдик таҳлилида цитомегаовирус инфекцияси иккила гурухда ҳам аниқланмади бу эса чақалоқлар буйраги дастлаб ЦМВИ-ни ажратмаслигини кўрсатади. Шунинг билан чақалоқларда соғлом гурухида мослашиш даври осон кечди ва юкорида келтирилган асосий гурухда кузатилган муаммолар кузатилмади.

Буйраклар УТТ натижалари қўйида 5 жадвалда келтирилган. Унга кўра асосий гурухда оқ буйрак синдроми 7 нафарни ва гидронефроз касаллиги билан 2 нафар чақалоқлари аниқланди. Иккинчи гурух соғлом чақалоқларда эса туғруқхонадаги мослашиш даври осон кечди ва юкоридаги муаммолардан фақатгина УТТ текшируvida оқ буйрак 1 нафарида аниқланди ва қайта 1 ойлигидаги кўрикда бу патологик ўзгаришлар йўқолди.

Юкоридаги сийдик таҳлилларидан шундай хулоса қилиш мумкин-ки биринчи гурух яъни ЦМВИ аниқланган чақалоқларда буйрак УТТ текшируви ва сийдик таҳлили натижаларидағи ўзгаришлардан маълум бўлдики ЦМВИ бор чақалоқлар буйрак ва сийдик йўлларида ҳомиладорлик даврида ўзгаришлар келтириб чиқарибина қолмасдан илк болалик даврида ҳам буйракда яллигланиш жараёнларига олиб келди бир ёшгача бўлган кузатувдаги болаларда пиелонефрит, сийдик йўллари яллигланиш касаликлари соғлом гурухга нисбатан юкори кўрсаткичларда аниқланди. Шунинг билан

биргалиқда бир нафар чақалоқда касаллик асоратидан ўлим кузатилди(б жадвал).

ЦМВИ билан заарланган оналардан туғилган чақалоқларда нафас йўллари ва ҳазм қилиш тизими муаммолари соғлом гурухига нисбаттан иккита баробар кўп учради. Асаб тизими муаммолари(безовталиқ, талваса, оёқни эрта тутаолмаслик, ташқи таъсирларга реакциясининг суст жавоб бериш каби шикоятлар) соғлом гурухидан фоизи анча юкори эканлиги жадвалдан ҳам маълум бўлиб турибди. Сийдик йўллари заарланиши ҳамда сариқликнинг чўзишида ҳам бир бунча юкори эканлиги кузатилди.

Текшириш мухокамаси: Бундан шуни хулоса қилиш мумкин-ки, ЦМВИ инфекцияси ҳомиладор аёллар организмига сездирмасдан таъсир қилиб, қачонки она организмининг иммун тизими тушиши, ҳомила йўлдошининг заарланиши оқибатида ва она организмига кўшимча касалликлар кўшилиши натижасида ҳомиланинг она қорнида ЦМВИнинг ўтишлиги туғилажак чақалоқларнинг барча аъзо ва органларига таъсир қилиши мумкинлигини кўриш мумкин. Шунинг билан биргликда ЦМВИ аниқланган чақалоқлар сийдик ва қон лаборатор таҳлилларидаги NGAL биомаркерининг перинатал даврда ошиши, кейинчалик эрта болалик ва болалик даврларида сийдик ажратиш тизими тез-тез яллигланиши ва унинг асоратланиши мумкин эканлиги аниқланди.

Хулоса: Ҳомиладорликдаги ЦМВИ янги туғилган чақалоқларда патологиянинг ривожланиши учун хавф омилидир. Чақалоқлар сийдигида NGAL даражасининг ошиши улардаги буйрак шикастланишининг белгисидир. ЦМВИнинг ҳомилага таъсири чақалоқларда сийдик ажратиш тизими, нафас йўллари касалликлари, овқат ҳазм қилиш ва асаб тизими билан боғлиқ муаммолари билан кўпроқ намоён бўлади

Адабиётлар:

1. Великов В.В. Цистатин С и NGAL — маркеры преклинической реальной диффункции и субклинического острого повреждения почек. Лабораторная служба, 2,2015
2. Еремеева А.В., Длин В.В., Корсунский А.А., Зайкова Н.М., Бодаренко Е.Д. Клиническое значение определения липокалина-2, ассоцииированного с нейтрофильной желатиназой, у пациентов с хронической болезнью почек Нефрология. 2018. Том 22. №4.
3. Иванова Д.Д., Калантаренко Ю.В., Корочев А.В., Кучма И.Л., Паламар П.С. Информативность исследования липокалина (NGAL) у пациентов с острым повреждением почек Оригинальные статьи №2. 2012
4. Кириллов О.К., Кибирова А.И., Каширская Е.И. Современное состояние проблемы цитомега-

- ловирусной инфекции у новорожденных // Астраханский медицинский журнал. - 2015. - №2. – С. 6-17.
- 5.Комарова А.А., Антонова И.В., Любавина А.Е., Антонов О.В. К вопросу о роли цитомегаловирусной инфекции в развитии хронического вторичного пиелонефрита у детей раннего возраста // Journal of Siberian Medical Sciences. - 2015. - №5. – 5 с.
- 6.Конькова Н.Е., Длин В.В., Игнатова М.С., Турпите О.Ю., Варшавский В.А., Голицына Е.П. Врожденный нефротический синдром у ребенка с цитомегаловирусной инфекцией. Российский вестник перинатологии и педиатрии №3.2010
7. Кочкина С.С., Ситникова Е.П., Особенности цитомегаловирусной инфекции: обзор литературы. Педиатрия. № 6 (123), 2016. Стр.1-12.
- 8.Лынднин А. А. Герпесвирусная инфекция и ее роль в поражении почек. Российский вестник перинатологии,6, 2010
- 9.Павлов В.Н., Пушкарев А.М., Ракипов И.Г., Алексеев А.В., Насибуллин И.М. NGAL- ранний биомаркер острого повреждения почек после контактной уретеролитотрипсии. Медицинский вестник Башкортостана Том8, №6,2013.
- 10.Сафина А.И., Даминова М.А. Диагностическое значение определения уровня липокалина -2, ассоциированного с нейтрофильной желатиназой в моче у новорожденных в критических состояниях. Педиатрия/ 2011/Том91/№6.
- 11.Смирнова Н.Н., Галкина О.В., Новикова В.П., Прокофьева Н.Э. Современные биомаркеры повреждения почек в педиатрии Нефрология 2019. Том 23 №4.
- 12.Сотников И.А. Клинико-лабораторное значение активной формы цитомегаловирусной инфекции у детей с соматической патологией. Автореферат 2017.
- 13.Татарова И.В. Состояние органов мочевыделительной системы при врожденной цитомегаловирусной инфекции у детей первого жизни. Автoreферат. Ставрополь – 2004.
- 14.Ткаченко А.К. Устинович А.А. учеб. пособ. Неонатология 2009.236-242с
- 15.Холоднова Н.В, Мазанкова Л.Н. Вольтер А.А., Турина И.Е.. Современный взгляд на проблему врожденной цитомегаловирусной инфекции. Детские инфекции. 2019 18 (3)
- 16.Цинзерлинг В.А. Внутриутробные инфекции: современный взгляд на проблему / В.А. Цинзерлинг // Журнал инфектологии. – 2014. – Т. 6. – С. 5–10.
17. Шиканова С. Ю., Ералиева Л.А., Онгарбаева Н.Х. Катамнез детей, рожденных от матерей с цитомегаловирусной инфекцией. Медицинский журнал западного Казахстана 2.16 2015г
18. Adler S.P., Nigro G. Fetal infections: Cytomegalovirus, Herpes simplex, and Varicella. //In: Neonatology. A practical approach to neonatal diseases. G. Buonocore, R. Bracci, M. Weindling (Eds). Springer-Verlag, Italia, 2012: 869–879/
19. Boppana S.B., Pass R.F., Britt W.J., et al. Symptomatic congenital cytomegalovirus infection: neonatal morbidity and mortality. Pediatr Infect. 1992;11:93

**ИЗУЧЕНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ
МОЧЕВЫДЕЛИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ У ДЕТЕЙ
РАННЕГО ВОЗРАСТА, РОЖДЕННЫХ ОТ
МАТЕРЕЙ С ЦИТОМЕГАЛОВИРУСНОЙ
ИНФЕКЦИЕЙ**

Хазраткулова М.И., Дилмурадова К.Р.

Резюме. Одной из причин поражения почек, возникающего при беременности и родах, являются внутриутробные инфекции, среди которых цитомегаловирусная инфекция занимает одно из ведущих мест. В Самаркандинском областном перинатальном центре и родильном комплексе №1 наблюдалась 50 детей 2022-2023 годов рождения, из них: 30 рождены от матерей с цитомегаловирусной инфекцией, а 20 от здоровых матерей, без ЦМВИ-инфекции. По результатам обследования установлено, что повышение биомаркера Липокалин-2, ассоциированного с нейтрофильной желатиназой в моче и сыворотке крови, повышает риск развития воспаления мочевыводящих путей в более поздние периоды жизни ребенка.

Ключевые слова: Цитомегаловирусная инфекция, Липокалин-2, ассоциированный с нейтрофильной желатиназой, новорожденные, почки.